

Фукаролик-хукукий туслаги шартнома

“ _____ ” декабрь 2025 йил

№ 108-сон

Тошкент шаҳри

“Буюртмачи” деб номланувчи, Низом асосида фаолият юритувчи Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети ректори в.б. **Раҳманов Зафар Яшинович** бир томондан, “Ижрочи” деб номланувчи 1980 йилда туғилган паспорт серияси AD № 0955889, ИИВ 26401 томонидан 29.12.2011 йилда берилган,

Маманазарова Наргула Қошимджановна

иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб номланувчилар қуйидаги мазмунда мазкур фукаровий-хукукий шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижрочи Буюртмачининг топширигига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш (кейинги ўринларда – иш), натижасини Буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун меҳнат ҳақи тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Иш тури: Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда ҳамда “ЮНИСЕФ” ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси кўмагида амалга оширилаётган “Ўзбекистондаги мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрларини тайёрлаш тизимида ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида координация қилиш, дастур методологиясидан келиб чиқиб Ўзбекистонда мактабгача таълим тизими учун зарур бўлган замонавий билим, малака ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

1.3. Ижрочи томонидан бажариладиган ишлар, Буюртмачи томонидан берилган вазифаларга мос келиши лозим.

1.4. Бажарилган ишлар (уларнинг натижаси) юзасидан вужудга келган эътироз ва камчиликлар, агар бу асосли бўлса, Буюртмачининг биринчи талаби билан ижрочи томонидан бартараф қилиниши лозим.

Бундай талаб, ишлар топширилган кундан узоғи билан 3 кун ичида билдирилиши шарт. Акс ҳолда, ишлар бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Қуйидагилар Ижрочининг мажбуриятлари ҳисобланади:
ишларни мазкур шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган муддатларда ва сифатли бажариши;
шартномада кўрсатилган хизматларни учинчи шахсларга ўтказмаслик;

Буюртмачи ҳудудида техника (ахборот) хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши;

Буюртмачи томонидан тақдим этилган маълумотларни ошкор этмаслик; бажарилган ишлар юзасидан унинг айби билан келиб чиққан хато ва камчиликлар аниқланганда уларни ўз ҳисобидан бартараф қилиш;

ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш имконияти бўлмаганда Буюртмачини тезда хабардор қилиш ва тўлов бўйича даъвои билдирмаслик.

Ижрочи қуйидагиларни аниқлаган тақдирда дарҳол Буюртмачини огоҳлантириши ва ундан кўрсатмалар олгунга қадар ишни тўхтатиб туриши шарт:

а) Буюртмачи томонидан топширилган моддий қийматликлар, ашёнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлиги;

б) ишни бажариш келишилмаган шаклда ва тарзда амалга оширилиши оқибатида салбий ҳолатлар юзага келиши мумкинлиги;

в) Ижрочига боғлиқ бўлмаган, бажарилаётган иш натижаларининг яроқчилиги ёки сифатини хавф остига қўядиган ёхуд ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш имконини йўқ қиладиган бошқа ҳолатлар.

2.2. Қуйидагилар Буюртмачининг мажбуриятлари ҳисобланади:

мазкур шартномада кўрсатилган хизматлар бажарилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мажбурий тўлов ва солиқларни ушлаб қолган ҳолда ижрочининг меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаш;

Ижрочини ишларни бажариш учун зарур бўлган шароит, маълумот ва хужжатлар билан таъминлаш.

3. ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ

3.1. Бажариладиган иш натижаси мазкур шартнома асосида 2 нусхада тузилган топшириш-қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

4. ИШНИ ТОПШИРИШ МУДДАТИ

4.1. Ижрочи томонидан ишларни бажариш хар ойнинг (2025 йил декабрь ойидан бошлаб 2026 йил феврал ойи охиригача) 25-кунигача ўтказилиши лозим.

5. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Шартнома бўйича меҳнат ҳақи қонунчиликда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар билан биргаликда ойлик 8.000.000 () сўмни ташкил қилади. Иш ҳақи 2025 йил декабр ойидан бошлаб 2026 йил феврал ойи охиригача тўланади.

5.2. Шартномада белгиланган меҳнат ҳақи Ижрочининг миллий валютадаги пластик картасига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган солиқларни ундирилган ҳолда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади;

5.3. Меҳнат ҳақи тўлови Буюртмачи томонидан хизматлар бажарилганлиги бўйича топшириш-қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига кўра жавобгар бўладилар.

6.2. Бажарилган ишларнинг Буюртмачига топширилгунга қадар бўлган вақт мобайнида сифатли ва бут сақланиши Ижрочи зиммасида бўлади.

6.3. Ижрочи ўз мажбуриятини бажаришдан бир томонлама бош тортган тақдирда Ижрочи Буюртмачига бажарилмаган иш суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Шу билан бирга Ижрочи ушбу жаримани Буюртмачи лозим даражада бажарилган ишлар учун тўлаши лозим бўлган маблағдан ушлаб қолишига розилик беради.

6.4. Буюртмачи ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган тақдирда, шу билан бирга ишларни ўз вақтида қабул қилмаган ёки тўловни ўз вақтида амалга оширмаган тақдирда Ижрочиба базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Шу билан бирга Буюртмачи ўз вақтида тўланмаган тўлов ҳисобига Ижрочиба етказилган зарарни ҳам қоплаб беради.

Бунда зарар миқдори тарафлар келишувига мувофиқ, тегишли келишувга эришилмаган тақдирда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида аниқланади.

6.5. Шартноманинг амал қилиш муддати 2025 йил декабр ойи бошидан 2026 йил феврал ойи охиригача кунга қадар амал қилади.

6.6. Мазкур шартнома юзасидан келиб чиққан барча келишмовчилик ва зиддиятлар музокара орқали ҳал қилинади, музокарага эришилмаган тақдирда жавобгарнинг манзили бўйича тегишли суд орқали ҳал қилинади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Томонлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу шартномани иккинчи тарафни 5 (беш) кун олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бекор қилишлари мумкин.

7.2. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар имкон қадар томонларнинг келишуви билан, келишувга эришилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

8.1. Томонлар шартнома шартларини бажаришларига уларнинг хоҳиш, эрки ва иродасига боғлиқ бўлмаган кучлар тўсиқлик қилса, жумладан: табиий офатлар, зилзила, сув тошқини, уруш эълон қилиниши, амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг ўзгариши каби ҳолатларда форс-мажор ҳолати эълон қилинади.

8.2. Қайси томон учун форс-мажор ҳолати содир бўлса, ушбу ҳолат ҳақида иккинчи томонни ёзма равишда огоҳлантириши шарт. Томонлар форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

8.3. Форс-мажор ҳолатлари юзига келганлиги тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган тақдирда, форс-мажор ҳолатига дуч келган Томон бошқа томонга тегишли далиллар билан тасдиқланган зарарни қоплаши шарт.

9. ЯКУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома Томонларнинг ҳар бири учун биттадан нусхада ўзбек тилида тузилади.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар Томонлар ўртасида имзоланган бўлса, ҳақиқий ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган барча ҳолатлар амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари билан тартибга солинади.


9.4. Агар шартнома юзасидан бошқа аҳдлашувчи томоннинг тилидаги матни билан давлат тилидаги матнида ўзаро тафовутлар юзага келган тақдирда, давлат тилидаги матн қўлланилади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ (ПОЧТА) МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Низомий номидаги Ўзбекистон
миллий педагогика университети

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор
тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй.
Тел: +998 71-271-00-96
ШХР: 2340 2000 3001 0000 1010
СТИР: 201 122 919
Банк номи: "Ипотека-банк" АТИБ
Сиргали филиали
Банк коди: 00978
СТИР: 201 354 108

Ректор в.в.б.  З.Раҳманов



ИЖРОЧИ




Манзил: _____
Тел: 97 205-60-15
ЖШИР: 4250280670017
Пласт.карт.: _____
ТХР: _____
Банк номи: _____
Банк коди: _____
Банк СТИР: _____